

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**ХИДОЯТОВА МУХЛИСА РАХМАТИЛЛАЕВНА**

**COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН КОМОРБИД  
ҲОЛАТЛИ БЕМОРЛАРДА КАРДИО-РЕСПИРАТОР  
МОНИТОРИНГ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ ЧОРАЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**14.00.25 – Клиник-лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**

**Contents of dissertation abstract of the Doctor of Science (DSc)**

**Хидоятова Мухлиса Рахматиллаевна**

COVID-19 билан касалланган коморбид ҳолатли беморларда кардио-респиратор мониторинг ва реабилитация чораларини ишлаб чиқиш..... 3

**Хидоятова Мухлиса Рахматиллаевна**

Кардио-респираторный мониторинг и разработка реабилитационных мероприятий у больных перенесших COVID-19 на фоне коморбидных состояний..... 27

**Khidoyatova Mukhlisa Rakhmatillaevna**

Cardio-respiratory monitoring and development of rehabilitation measures in patients with COVID-19 against the background of comorbid conditions..... 53

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 57

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ  
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.30.02 РАҚАМЛИ  
ИЛМИЙ КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**  

---

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

**ХИДОЯТОВА МУХЛИСА РАХМАТИЛЛАЕВНА**

**COVID-19 БИЛАН КАСАЛЛАНГАН КОМОРБИД  
ҲОЛАТЛИ БЕМОРЛАРДА КАРДИО-РЕСПИРАТОР  
МОНИТОРИНГ ВА РЕАБИЛИТАЦИЯ ЧОРАЛАРИНИ  
ИШЛАБ ЧИҚИШ**

**14.00.05 – Ички касалликлар**

**14.00.25 – Клиник-лаборатор ва функционал диагностика**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ - 2022**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.DSc/Tib534 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.tma.uz.) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

**Илмий маслаҳатчилар:**

**Каюмов Улғбек Каримович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Иноятова Феруза Хидоятовна**  
биология фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Каримов Маъруф Шакирович**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Таджиев Ботир Мирхашимович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Арипов Орифжон Абдумаликович**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етақчи ташкилот:**

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгаш асосида тузилган бир марталик кенгашнинг 2022 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тел./факс: (99871) 150-78-25; e-mail: tta2005@mail.ru.)

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй. Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув бино “Б” корпуси, 1-қават. Тел./факс: (99871) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.

(2022 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**А.Г. Гадаев**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.А. Набиева**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Ғ.С. Халимбетов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш асосидаги Бир марталик илмий кенгаш ҳузуридаги бир марталик илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори

## КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** SARS-CoV-2 сабаб бўлган COVID-19 пандемияси юқори тезликда тарқалди ва глобал соғлиқни сақлаш тизими учун фавқулдда вазиятни яратди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, "...COVID-19 клиник белгилари бор беморларнинг кўпчилиги енгил (40%) ёки ўрта оғир (40%), тахминан 15% атипик ўткир респиратор дистресс синдроми ривожланишига олиб келувчи пневмония ва 5% сепсис ва септик шок, тромбоземболия ва/ёки полиорган етишмовчилиги, шу жумладан ўткир буйрак ва юрак шикастланиши каби асоратлар билан ўта оғир кечишига эга..."<sup>1</sup>. COVID-19 нинг тез ва оғир ривожланиши коморбид ҳолатлари бўлган беморларда юзага келади, бу нафақат касалликнинг кечишини оғирлаштиради, балки коронавирус билан касалланиш хавфини ҳам оширади.

Жаҳон миқёсида янги коронавирус инфекциясининг патогенезини, клиник кечишини ва нохуш оқибатларининг асосий белгиларини эрта аниқлашни ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юрак-қон томир касалликлари (ЮҚТК) негизида коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларда ўлим даражаси 10,5% гача, шу жумладан артериал гипертензия негизида 6,0 %гача бўлган. SARS-CoV-2 нинг организмга зарар етказишининг аниқ механизмлари ҳали номаълум бўлса-да, COVID-19 ва ЮҚТК комбинациясини, маълум бўлган умумий механизмлар нуқтаи назаридан талқин қилиш керак. ЮҚТК қариш жараёнини тезлаштирувчи омил сифатида қабул қилинади, бу эса коронавирус инфекциясининг кечиши ва прогнозига салбий таъсир қилади. Адабиётларда COVID-19 ни даволашнинг узок муддатли натижалари тўғрисидаги маълумотлар клиник ҳолатлар кўринишида ва беморларнинг кичик гуруҳлари намунасида пайдо бўла бошлади. Бироқ COVID-19 клиникасининг ўткир жараёни тўхтатилгандан кейин ва реабилитация даврида юрак-қон томир тизимининг салбий оқибатлари ривожланиши ҳақида далиллар етарлича, бу шубҳасиз ўз вақтида ташхислаш ва беморларни олиб бориш тактикасини танлашда муҳим аҳамият касб этади.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини тубдан ислоҳ қилиш, аҳолига кўрсатиладиган тиббий хизматни ривожлантириш, шу жумладан COVID-19 билан касалланган беморларни олиб бориш, даволаш ва назорат қилиш, аҳоли ўртасида эрта ўлим ва касалланиш даражасини пасайтириш бўйича бир қатор вазифалар белгиланган. "...Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш..."<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар тиббиёт ходимлари зиммасига юкланмоқда. Ушбу вазифаларни амалга ошириш натижасида коронавирус инфекциясини эрта ташхислаш ва даволашда ижобий натижаларга эришилди, бироқ вируснинг янги агрессив штаммларининг пайдо бўлиши, касаллик

<sup>1</sup> World Health Organization. Clinical management of COVID-19 - Living guidance (25 January 2021).

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони.

тарқалишини тўхтатишга имкон бермаяпти ва бунинг натижасида соғлиқни сақлаш соҳаси доимий изланишда. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, COVID-19 инфекциясини назорат қилиш, ички аъзолардаги ўзгаришларни эрта ташхислаш ва вақтида бартараф қилиш ушбу соҳадаги мақсадларга эришишнинг устувор йўналишларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 25-июлдаги ПФ-6035-сон “Коронавирус пандемиясини юмшатиш, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги ва саломатлигини сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 26-мартдаги ПҚ-4649-сон “Ўзбекистон Республикасида коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020-йил 27-июлдаги ПҚ-4790-сон “Ўзбекистон Республикаси санитария-эпидемиологик осойишталик ва жамоат саломатлиги хизмати фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг VI. "Тиббиёт ва фармакология" устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий адабиётлар таҳлили<sup>3</sup>.**

COVID-19 инфекцияси ва у билан боғлиқ касалликларнинг олдини олиш, эрта ташхис қўйиш, даволаш ва реабилитация қилишни оптималлаштириш, патогенези ва морфогенезини ўрганиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари жаҳоннинг етакчи халқаро илмий марказлари ва олий ўқув юртларида, жумладан: Cardiovascular Research Center, National Heart, Lung and Blood Institute, International Atherosclerosis Society, American Heart Association (АҚШ), World Heart Federation (Швейцария), Россия кардиология илмий-ишлаб чиқариш мажмуаси, Россия кардиология жамияти, Давлат профилактик тиббиёт илмий амалий маркази (Россия Федерацияси), М.М. Мирраҳимов номидаги кардиология ва терапия миллий маркази (Қирғизистон Республикаси), Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази, Республика ихтисослаштирилган илмий амалий кардиология маркази, Тошкент тиббиёт академияси (Ўзбекистон).

Бугунги кунга келиб, COVID-19 инфекцияси патогенези ва морфогенези ҳақида маълумот етарли эмаслиги сабабли, дунёда соғлиқни сақлаш муаммоси бўлиб қолмоқда. SARS-CoV-2 ни хужайрага кириб боришининг бир неча механизмлари устиворлик қилади (Max Planck Institute of

<sup>3</sup> Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <https://www.who.int/ru/emergencies/diseases/novel-coronavirus-2019>; <http://www.heart.org>; <http://www.world-heart-federation.org>; <http://www.athero.org>; <http://www.sio-obesita.org>; <http://www.idf.org>; <https://www.ncbi.nlm.nih.gov/pmc/articles/PMC2014359>; <http://cvrc.massgeneral.org/>; <http://www.cardioweb.ru>; <https://www.endocrincentr.ru>; <http://www.cardiocenter.uz>; <https://www.minzdrav.uz/agencies/details.php?ID=19345>; <http://tma.uz/ru/>; <http://jamanetwork.com/journals/jama/fullarticle/196993>; <https://www.aace.com/college>; <http://www.acc.org>; <https://covid19.rosminzdrav.ru/>; <http://www.tipme.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилган.

Biophysics, the Paul-Ehrlich-Institute, Goethe University Frankfurt).

COVID-19 нинг асосий патогенетик механизмлари, клиник белгилари, даволаш ва профилактикасини ўрганиш бўйича натижалар олинган, жумладан, энг асослилари: вирусли инфекциянинг асосий шикастловчи омили сифатида тизимли яллиғланиш назарияси; COVID-19 касаллиги натижасида ҳолат оғирлашиши ва ўлимга олиб келувчи асосий кўрсаткич сифатида кўрилган ёндош касалликларнинг роли (American Heart Association, World Heart Federation, International Diabetic Federation, American College of Endocrinology); COVID-19 ривожланишида эндотелиал дисфункциянинг (ЭД) роли ўрганилган (American College of Cardiology); касалликнинг оғирлигини ва прогнозини белгилашда протромботик қон фаоллигининг таъсири асосланган (American Heart Association, World Heart Federation); ушбу патологияни оммавий эмлаш концепциялари ишлаб чиқилган (ЖССТ вакцина ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорликда COVAX механизмини яратган). Патоморфологик тадқиқотлар нуқтаи назаридан, SARS-CoV-2 вирусининг тўқималарга тўғридан-тўғри кириб бориши (IRCCS Policlinico San Matteo Foundation, Pavia, Italy) ва вируснинг инвазиясиз тизимли яллиғланиш туфайли тўқималарнинг билвосита шикастланиши (National Clinical Research Center for Infectious Diseases, Beijing) кўриб чиқилмоқда.

Ўтказилган илмий изланишлар, адабиётлар ва тадқиқотлар таҳлилига асосланган ҳолда COVID-19 да коморбид касалликларни авж олиб боришдаги хавф омилларини аниқлаш, клиник кечиш хусусиятларини, лаборатор диагностик кўрсаткичлари ва терапиянинг самарадорлигини баҳолашга бағишланган кенг кўламли илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш зарурлиги ҳақида хулоса чиқаришимиз мумкин. Бу эса, ўз навбатида, ушбу муаммо бўйича тадқиқотларни давом эттириш зарурлигини кўрсатади.

**Муаммонининг ўрганилганлик даражаси.** Коронавирус инфекциясининг 1527 ҳолатини ўз ичига олган олти клиник тадқиқотнинг мета-таҳлили, беморларнинг 17,1% да артериал гипертензия (АГ), юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва ёки цереброваскуляр касалликлар - 16,4% да, қандли диабет (ҚД) 2- тури - беморларнинг 9,7% да мавжудлигини кўрсатди. (Li.B., 2020). ЮҚТК фонида коронавирус инфекцияси бўлган беморларда юқори ўлим даражаси қайд этилган (Wu.Z., 2020). Сўнгги пайтларда COVID-19 ни даволаш ва олдини олишда маълум ютуқларга эришилди, аммо ўлим даражасини сезиларли даражада камайтиришга эришилмади. Бунинг сабабларидан бири вируснинг юқори мутацияси, эрта ва кеч асоратларининг юқори хавфи, хусусан, коморбид касалликларининг назоратидаги қийинчиликлар ва дори воситаларининг таъсиридир (Қаюмов У.К., 2021; Е.В. Шляхто, 2021).

Ўткир яллиғланиш реакциясидан ташқари, тадқиқотчиларнинг фикрига кўра (Liu P.P., 2020), сурункали яллиғланиш ҳам COVID-19 билан касалланган беморларнинг клиник эволюциясида муҳим рол ўйнайди. Олдиндан мавжуд бўлган ЮИК, ҚД 2-тури ёки семириш каби яллиғланиш ҳолатлари COVID-19 касаллиги қамровида салбий клиник натижалар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Ушбу коморбид касалликлар COVID-19

касаллигидан кейин ёмон натижалар ва ўлимнинг сабабчиси эканлиги хабар қилинган (Вuісу А.Л., 2021). Бундан ташқари, сурункали коронар синдромда SARS-CoV-2 инфекцияси фонида келиб чиққан цитокин бўрони атероматоз билакчаларининг заифлиги ва узилишига, сўнгра беморнинг клиник ҳолатининг кескин ёмонлашишига олиб келадиган ўткир коронар синдром ривожланишига олиб келиши мумкин.

Коморбид ҳолатлардаги нейрогуморал омиллар, метаболик, тузилмавий ва функционал бузилишлар COVID-19 ривожланишида қандай рол ўйнаши ва терапияни танлашга қандай ёндашиш муаммоси қўшимча изланишларни талаб қилади. COVID-19 дан кейин юрак-қон томир асоратлари (ЮҚТА) ни эрта босқичма-босқич ташхислаш ва башорат қилишнинг асосий мезонлари такомиллаштирилмаган. COVID-19 да ўлим билан боғлиқ яллиғланиш реакциясининг фаоллашуви бирламчилиги ва у канчалик коморбид касалликлардаги метаболик бузилишлар билан боғлиқлиги тўлиқ аниқланмаган. ЮҚТА ривожланишининг патогенетик жиҳатлари ва уларга COVID-19 ни кечиши ва даволаш йўллари таъсири етарлича ўрганилмаган.

Шу муносабат билан, янги биомаркерларни қидириш ишлари олиб борилмоқда, уларнинг аниқланиши COVID-19 да ЮҚТК ни ривожланиш хавфларини табақалаштиришга ёрдам беради. Дори воситаларининг ҳам коронавирус инфекциясига, ҳам юракка таъсири масалалари доимий ўрганиш жараёнида. Шубҳасиз, COVID-19 да, асосий таргет тизимлардан бири бўлган, ЮҚТА ривожланиш хавфи юқори, шунинг учун ўткир ва реабилитация даврида ЮҚТК ва уларнинг асоратларини ўз вақтида ташхислаш, комплекс даволаш ва олдини олишни тавсия қилиш муҳимдир (Алёхин М.Н., 2021). Ушбу чора-тадбирларнинг муваффақияти учун COVID-19 да юрак шикастланишини эрта ташхислаш усуллари жорий этиш ва ўз вақтида танланган терапия муҳим аҳамиятга эга.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация иши Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази функционал диагностика кафедрасининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №2.052022 “COVID-19 да юрак қон томир асоратларини ташхислаш ва даволаш” мавзуси доирасида бажарилган (2020-2022 й).

**Тадқиқотнинг мақсади** COVID-19 да кардио-респиратор тизим зарарланиш хусусиятларини ва унга коморбид ҳолатлар таъсирини аниқлаш, ташхислаш, бошқариш ва эрта реабилитация чораларини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

COVID-19 пневмонияси билан оғриган реанимацион беморларда коморбид фон (ҚД, ЮИК, ИККС, АГ, анамнезда БМЎҚАБ) ва касалликни клиник кечишининг динамикасини ўзаро боғлиқлигини аниқлаш;

COVID-19 пневмонияси билан оғриган реанимацион беморларда айрим коморбид касалликлар фонида юракдаги структур ва функционал ўзгаришларнинг хусусиятларини аниқлаш;

баъзи коморбид ҳолатлар фонида COVID-19 пневмонияси бўлган

реанимацион беморларда салбий якуний нукталарнинг энг муҳим диагностик мезонларини аниқлаш;

углевод алмашинуви бузилишларининг хусусиятларини ва COVID-19 да қон зардобдаги инсулин даражаси ва гипергликемия ўртасидаги боғлиқликни аниқлаш;

енгил ва ўрта оғирликда COVID-19 ўтказган беморларда юрак дисфункцияси фаолиятини аниқлаш ва бу жараёнда юрак-қон томир тизими аутоантитаначаларнинг ролини баҳолаш;

енгил ва ўрта оғирликда COVID-19 ўтказган беморларда ЮИК нотурғун кечиш хавфининг диагностик мезонларини аниқлаш;

COVID-19 билан касалланган беморларда юрак-қон томир касалликларини бошқариш ва эрта реабилитация чораларини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида Республика ихтисослаштирилган коронавирус инфекцияси билан касалланган беморларни даволаш учун мўлжалланган 2-сонли Зангиота юқумли касалликлар шифохонасининг реанимация бўлимига ётқизилган COVID-19 пневмонияси билан касалланган 189 нафар бемор ва Республика ихтисослаштирилган илмий амалий кардиология маркази бўлимларида ЮИК ги билан даволанган 52 нафар COVID-19 ўтказган беморлар олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида веноз қон, капилляр қон, юрак ва коронар артерияларнинг тўқималари намуналари, ЭхоКГ, ЭКГ, суткалик ЭКГ мониторинги, ўпканинг МСКТ натижалари олинган.

**Тадқиқот усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида клиник (респиратор ва гемодинамик кўрсаткичлар: SpO<sub>2</sub>, МВБ), функционал (доплер ЭхоКГ, суткалик ЭКГ мониторинги), биокимёвий (Hbc1), иммунофермент (инсулин, антигенлар: β2 гликопротеидлар, CoM-02, CoS-05, коллаген, кардиомиозин L оксиди, с-ANCA, TrM, с-ANCA, e-NOS) морфологик (коронар қон томирлар, миокард тўқимаси) ва статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** куйидагилардан иборат:

миокарддаги кеч реполяризация (Tr-Te) ва систола дисперсияси (QTd) жараёнларининг узайиши фонида COVID-19 пневмонияси ва юрак қон-томир касалликлари, қандли диабетнинг ўзаро оғирлаштирувчи таъсири асосланган;

мослаштирилган эхокардиография протоколлари асосида ўнг қоринча функцияси, ўпка гипертензияси кўрсаткичларини ва юрак индексини аниқлаш, касалликнинг кечишини самарали кузатиш имконини беришда ва специфик даволашни белгилашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги аниқланган;

семизлик негизда юрак қон-томир касалликлари бор беморларда COVID-19 нинг оғир кечиши ва миокарднинг структур ва функционал ҳолатининг янада чуқур бузилиши билан қонда ИЛ6 ва Д-димернинг юқори даражаси орасидаги боғлиқлик аниқланган;

анамнезида юрак қон-томир касалликлари бўлмаган COVID-19 ли беморларнинг аутопсия материалларида коронар томирларда ва миокардда морфологик ўзгаришлардан миокардит, эндотелит, панваскулит ва

периваскулит ривожланиши аниқланган;

ЮИК билан оғриган, COVID-19 ни ўтказган беморларда юрак ритм бузилишига олиб келувчи паст циркад индекси (ЦИ) ва тунда симпатик нерв тизими (СНТ) гиперфаоллиги аниқланган;

COVID-19 дан кейин ЮИК нинг нотурғун кечиш хавфини ортиши Com – антиген, HbA1c, нейтрофиллар, С-реактив оксилени юқори даражаси ва 3 ёки ундан кўп марта паст дозаларда қондаги Д витаминини пасайиши билан боғлиқлиги (детерминация коэффиценти  $r=0,705$ ) асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

мавжуд эхокардиографик протоколлар асосида ЎҚ функцияси ва ўпка гипертензияси кўрсаткичларини аниқлаш билан касалликнинг кечишини самарали кузатиш имконини берганлиги ва салбий оқибатларни аниқлашда ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканлиги исботланган;

тўғри терапияни танлаш учун гипергликемия билан оғриган беморларда қон зардобиди гликемия ва инсулин даражасини кузатишнинг амалий аҳамияти асосланган;

коронар томирлар ва миокарддаги аниқланган морфологик ўзгаришлар цитопротекция ва яллиғланишга қарши терапияни, шу жумладан, шифохонадан кейинги даврда ўтказиш асосланган;

COVID-19 билан касалланган беморларда асоратларнинг олдини олишда инструментал (ЭКГ, ЭхоКГ, суткалик ЭКГ мониторинги) ва лаборатория (қон биокимёси, коагулограмма, юрак-қон томир тизимига антитаначалар) тадқиқот усулларининг амалий аҳамияти ва даволашда дифференциал ёндашув асосланган;

COVID-19 нинг ўткир даврида ва ўтказгандан кейин юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларни олиб бориш ва эрта реабилитациясининг асосий йўналишлари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, етарли миқдорда материалларга, морфологик, клиник, функционал, лаборатория усулларига асосланганлиги, натижалари халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулосалар ҳамда олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ЮОҚТК фониди COVID-19 пневмонияси билан оғриган беморларда асоратларни ривожланишининг структурасини, хавф омилларини ва сабаб-оқибат муносабатларини аниқлашда муҳим ҳисса қўшиши билан белгиланади, бу эса ўз навбатида терапевтик ва профилактика чораларини ишлаб чиқиш, юрак-қон томир асоратларини даволаш чораларини такомиллаштириш ва асосий патологик жараённинг кечиши хусусиятларини аниқлаштириш учун зарур шарт-шароитларни белгилаш орқали изоҳланади.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ўтказилган клиник тадқиқотлар оғир ва ўта оғир COVID-19 пневмонияси билан оғриган беморларда юрак дисфункцияси касалликнинг оғирлиги ва натижаларига

таъсирини юқори диагностик аҳамиятга эгаллиги, юрак етишмовчилигини аниқлаш учун диагностика протоколларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш орқали баъзи коморбид ҳолатлардаги юрак дисфункциясининг дифференциал диагностикаси фонида COVID-19 асоратлари ривожланишининг асосий патогенетик вариантларини аниқлаш билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** COVID-19 нинг ўткир ва реабилитация даврида, беморларда юрак дисфункциясини бошқариш ва ташхислаш протоколларини оптималлаштириш бўйича олинган илмий тадқиқот натижалари асосида:

Коронавирус инфекциясида ЮҚТК билан оғриган беморларни ташхислаш натижалари асосида ишлаб чиқилган “COVID-19 да юрак-қон томир касалликлари билан оғриган беморларни ташхислаш ва олиб бориш алгоритмлари” мавзуси бўйича услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 8 ноябрдаги 8 н-з/712-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома диагностика хизматини ташкил этиш сифатини ва юрак-қон томир касалликлари фонида COVID-19 билан касалланган беморларни даволаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

COVID-19 билан оғриган беморларда юрак диастолик функциясини текшируви натижалари асосида ишлаб чиқилган “COVID-19 да юракнинг эрта диастолик функциясининг бузилишини ташхислаш” услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 8 ноябрдаги 8 н-з/712-сон маълумотномаси). Ушбу услубий тавсиянома COVID-19 билан касалланган беморларда миокард дисфункциясининг эрта намоён бўлишини, ўз вақтида ташхислашнинг, шунингдек даволашнинг тўғри тактикасини танлаш имконини берган;

COVID-19 билан касалланган беморларда юрак фаолияти бузилиши диагностикаси бўйича ўтказилган тадқиқотнинг олинган илмий натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан Республика ихтисослаштирилган коронавирус инфекциясини даволашга мўлжалланган Зангиота №1 ва Зангиота №2 шифохоналари, Навоий вилояти Нурота шаҳар марказий кўп тармоқли поликлиникаси амалиётига тадбиқ қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2022 йил 9 июндаги № 08-16333-сон маълумотномаси). Олинган тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этилиши диагностика хизматини ташкил қилишни оптималлаштириш ва юрак-қон томир касалликлари фонида COVID-19 билан касалланган беморларни олиб бориш ва даволаш протоколларини такомиллаштириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 10 та илмий анжуманларда, жумладан 6 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 46 та илмий иш нашр этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация Комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 12 та мақола, жумладан 9 таси маҳаллий ва 3 таси хорижий журналларда нашр

этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва хажми.** Диссертация таркиби кириш, 5та боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг хажми 162 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, ҳамда объект ва предмети тавсифланган, мазкур тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мос келиши кўрсатиб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий унинг натижалари ўз ифодасини топган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот амалиётга жорий қилиниши, чоп этилган ишлар диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

**“COVID-19 ва коморбид ҳолатлар”** деб номланган диссертациясининг биринчи бобида COVID-19 коронавирус инфекциясининг эпидемиологияси ва патогенези, COVID-19 да тизимли яллиғланиш ва юрак-қон томир хавфи ҳамда юрак асоратлари ривожланишида коморбид касалликларнинг роли ҳақидаги долзарб маълумотлар келтирилган. COVID-19 да юрак-қон томир тизимида антитаначаларнинг прогностик роли ва фармакокоррекция тамойиллари ва COVID-19 да юрак-қон томир касалликлари билан касалланган беморларни реабилитация қилиш босқичлари батафсил баён этилган.

Диссертациянинг **“Клиник материалнинг хусусиятлари, клиник-инструментал, биокимёвий, иммунологик, гистологик тадқиқот усуллари”** деб номланган **иккинчи** бобида материаллар ва тадқиқот усуллари, жумладан, клиник ва морфологик материалнинг умумий тавсифи, лаборатория, инструментал тадқиқот усуллари келтирилган.

Тадқиқот 2 босқичда ўтказилди. Мазкур илмий тадқиқотнинг биринчи, проспектив босқичи Республика ихтисослаштирилган юқумли касалликлар Зангиота №1 ва №2-сонли шифохоналарининг реанимация бўлимларида даволанаётган COVID-19 билан касалланган 189 нафар беморнинг юрак ва нафас олиш тизими континуумини тузилмавий ва омилли таҳлил қилишга асосланган. Тадқиқотнинг бошланғич нуқтаси касалликнинг оғир кечиши билан беморларни ихтисослаштирилган бўлимларга ва реанимация-интенсив терапия бўлимларига (РИТБ) қабул қилиш, якуний нуқтаси эса касалликнинг ўта оғир кечиши ёки ихтисослаштирилган бўлимларга беморларни қониқарли ҳолатда ўтказилиши ва чиқарилишидир. Гуруҳлар кузатувлар сони камида 10 та кузатув бўлган коморбид касалликларни ҳисобга олган ҳолда рандомизацияланган. Натижада, баъзи бир коморбид ҳолатлар, ҚД, ЮИК, ИККС, анамнезда БМЎҚАБ, АГ мавжудлигига қараб қуйидаги гуруҳлари шакллантирилди: 1-гуруҳ коморбид касалликларсиз (n=25); 2-гуруҳ 1-коморбид фон (n=27) мавжудлиги билан; 3-гуруҳда 2 та коморбид ҳолат мавжуд (n=82); 3 ёки ундан ортиқ коморбид ҳолат мавжуд бўлган 4-гуруҳ (n=55).

Тадқиқотнинг иккинчи босқичи проспектив бўлиб, Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий маркази негизида олиб борилди. ЮИК билан оғриган 52 нафар бемор текширилди, улар коронавирус инфекцияси ўтказганлигига қараб 2 гуруҳга бўлинган: анамнезда COVID-19 бўлмаган 1 гуруҳ (n=26) (SARS-CoV-2 антитаначалари титри ва анамнез асосида). 2-гуруҳ COVID-19 ўтказган (n=26), тегишли хужжатлар (таҳлиллар) билан тасдиқланган, аммо кислородли терапия ва стероидларсиз, ўпка тўқималари шикастланишининг қолдиқ асоратлари (фибротизация) белгиларисиз бўлган беморлар.

Тадқиқотнинг биринчи босқичида барча беморлар клиник, биокимёвий ва иммунологик текширув, МСКТ, ЭКГ, ЭхоКГ, дастлаб ва динамикада ўтказилди.

ЭхоКГ «LOGIC 7» GM аппаратида ўтказилди. Юракнинг барча камераларининг функционал, тузилмавий ва индексланган параметрлари (чап қоринча ва бўлмача (ЧҚ ва ЧБ), ўнг қоринча ва бўлмача (ЎҚ ва ЎБ) ўпка гипертензияси (ЎГ) кўрсаткичлари, ўпка артериясида ўртача (ЎАЎБ) ва систолик (ЎАСБ) босим баҳоланди.

ЭКГ 3 каналли EDAN (ХХР) аппаратида олинди дастлаб ва даволаш босқичларида (агар керак бўлса) ва касалхонадан чиқарилганда. Барча беморларга умумий қабул қилинган таҳлил асосида 12 та тармоқли ЭКГ ўтказилди ва QTc, QTd, Tr-Te кўрсаткичлари ҳам баҳоланди.

Компютер томографияси МСКТ 64 кесимида, NEUSOFT model: NeuViz 64 In (ХХР) да амалга оширилди.

MINDray uMEC10 (ХХР) ва Pure scope IP-3010 (ХХР) ётоқ ёнидаги мониторларда пульс оксиметрия ва периферик гемодинамик параметрларни (ЭКГ, қон босимини инвазив ва ноинвазив ўлчаш, юрак уриш тезлиги, марказий веноз босим) мониторинги амалга оширилди.

Нафас олишни назорати "Abenta M" (Россия), "Bella Vista" (Швейцария), "Bivovent" (Туркия) сунъий ўпка вентиляцияси аппаратлари ёрдамида амалга оширилди. "High flow" режими учун "Inspird" (Туркия) аппарати ишлатилган.

Лаборатор кўрсаткичларни текшируви қуйидаги лаборатория жиҳозлари ёрдамида амалга оширилди: SYSMEX CA - 600 series (ХХР) ярим автоматик коагулометр; SYSMEX XN - 550 (ХХР) анализатори; ISTAT Alinity (ABBOTT) газ анализатори; MINDray BS-380 (ХХР) биокимёвий анализатори; IALONG Gentier 96 (ХХР) ПЗР, ИФА анализатори - MINDRAY MR - 96A, реагентлар - BEST diagnostics. Қондаги инсулин (ИРИ) миқдори иммунохемилюминистент таҳлил ускунаси - maglumi - X3 да Insulin (CLIA) MAGNUMI махсус реагентлари ёрдамида аниқланди.

Морфологик текширувлар учун материал коронар томирларнинг барча бўлимлари ва қоринча девори миокардининг бўлаклари бўлиб, улар 36 ёшдан 56 ёшгача бўлган COVID-19 дан вафот этган 8 кишидан олинди.

Тадқиқотнинг иккинчи босқичида барча беморларда:

ЭКГ текшируви стандарт усулда "Marquette-Hellige" (ХХР-АҚШ) аппаратида ўтказилди. Cardiolab аппаратида юрак ритми ўзгарувчанлигини (вариабеллилигини) аниқлаш билан бирга ЭКГнинг суткали Холтер мониторинги ўтказилди (Украина).

Селектив коронар ангиография Allura CV-20 қурилмаси (Phillips, Голландия) ёрдамида амалга оширилди. Лаборатория параметрларини ўрганиш "Daytona" биокимёвий анализатори (RANDOX, Буюк Британия) ёрдамида махсус реагентлар ва дастур ёрдамида амалга оширилди.

Қон зардобдаги ЮҚТТ ҳолатининг маркерлари - аутоантитаначаларни ярим миқдорий аниқлаш ЭЛИ-КАРДИО-Тест реактивлар тўплами, планшет усули ёрдамида амалга оширилди: Антиген DNA - ҳар қандай хужайра турининг ДНК-антиген компоненти, Антиген  $\beta$ 2-GP - қон плазмасининг асосий фосфолипид боғловчи оксили, Коллаген, Антиген CoM-02 – миокард хужайра мембраналарининг заиф анионик компоненти, Бета1-адренергик рецепторлари, CoS-05 антигени, Кардиомиозин L оксили, TrM антигени, c- c-ANCA антигени, Нитридоксидсинтетаза (e-NOS), плазминоген, PAPP-A оксили.

Клиник материални статистик қайта ишлаш "STATISTICA 10.0" амалий дастурларнинг статистик пакети ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг **"Оғир ва ўта оғир COVID-19 билан оғриган беморларда кардиореспиратор муносабатларнинг клиник ва лаборатор-инструментал хусусиятлари, коморбид фоннинг роли"** деб номланган учинчи бобида оғир ва ўта оғир COVID-19 билан касалланган 189 беморнинг кўриги натижалари тақдим этилган. Беморларнинг ўртача ёши  $62,4 \pm 0,94$ , эркаклар 91 (48,2%) ва аёллар 98 (51,9%) ташкил этди. Беморларнинг аксарияти 60 ёшдан ошган ёш гуруҳига тўғри келди.

Барча беморларда касалхонага ётқизилган биринчи кунида ўртача SpO<sub>2</sub> 82% ни ташкил этди. SpO<sub>2</sub> (Me) жиҳатидан 1-гуруҳ ва 4-гуруҳ ўртасида мос равишда 88 ва 80% сезиларли фарқ бор эди. 2,3 ва 4 гуруҳларда ўртача юрак уриши тахикардияга тўғри келди.


Умумий қон тахлилини ўрганиш 1-гуруҳдаги беморларга нисбатан 4-гуруҳдаги беморларда HGB, эритроцитлар, Neuc и LEU нинг юқори даражаси сезиларли даражада пастлигини аниқлади. Lymph даражаси коморбид фоннинг кўпайгани сари пасайиш тенденциясини кўрсатди, аммо коморбид ҳолати бўлмаган беморлар билан солиштирганда фарқ сезиларли эмас эди. Биокимёвий таҳлил 1-гуруҳ билан солиштирганда 3 ( $p < 0,05$ ) ва 4 ( $p < 0,05$ ) гуруҳларидаги беморларда умумий оксилнинг паст даражасини аниқлади. 3 ва 4-гуруҳлардаги беморларда албумин даражаси референт оралиғидан паст бўлган, 3 ёки ундан ортиқ коморбид ҳолатнинг мавжудлиги албумин даражасининг, аниқланмаган ёки битта коморбид фондаги миқдорига қараганда сезиларли даражада пасайишига олиб келди ( $p < 0,05$ ). Батафсилроқ таҳлил қилиш оғир ва ўта оғир аҳволда ётқизилган семизлик фонда ЮИК ва АГ билан оғриган беморларда албумин даражасининг пасайишини кўрсатди ( $p < 0,05$ ). ИЛ-6 ни миқдори 1-гуруҳ даражасидан 3,9; 5,3 ва 6,2 баробар мос равишда 2, 3 ва 4-чи гуруҳларда юқори эди ( $p < 0,05$ ). Тромблар шаклланишининг кучайиши кўрсаткичи бўлган Д-димер даражаси барча гуруҳларда юқори эди, 3-гуруҳдаги беморларда 1-гуруҳ кўрсаткичига нисбатан сезиларли даражада, деярли 2 баравар юқори бўлган ( $p < 0,05$ ).

Барча гуруҳлардаги СРО миқдори нормал кўрсаткичлардан анча юқори эди, аммо гуруҳларда фақат 1 ва 3 гуруҳлар орасида сезиларли фарқ бор эди

( $p < 0,05$ ). Ферритин даражаси, COVID-19 яллиғланишининг кучайиши белгиларидан бири сифатида, 3, 4-гурӯҳларда сезиларли даражада юқори бўлган ва 1-гурӯҳдагидан мос равишда 1,6 ва 2,1 баравар юқори бўлган, гарчи фақат 1-гурӯҳда ўртача кўрсаткич референт интервали ичида бўлган. 1-гурӯҳдаги Д-димер, ПК, ферритин даражаси динамикада мос равишда 45% ( $p < 0,005$ ), 12% ( $p < 0,005$ ) ва 13% ( $p < 0,005$ ) га камайди. Бошқа барча гурӯҳларда яллиғланиш белгиларининг даражаси фақат пасайиш тенденциясида бўлди ( $p > 0,05$ ).

Даволаш фонида сезиларли даражада пасайиш фақат 3 ва 4-гурӯҳларда СРО миқдори бўйича эришилди ( $p < 0,05$ ). Шунини таъкидлаш керакки, даволаниш сўнгида Д-димер, ферритиннинг ўртача кўрсаткичлари фақат 1-гурӯҳда норма оралиғида эди, қолган барча гурӯҳларда нормадан баланд эди. СРО ўртача даражаси, даволаш сўнгида барча гурӯҳларда меъёрдан юқори эди.

Беморларнинг касалхонага ётқизилган вақтидаги аҳволининг оғирлигини баҳолашда 2-гурӯҳда 18,5%, 3-гурӯҳда 8,5%, 4-гурӯҳда 16,4% беморларда касалликнинг ўта оғир кечиши аниқланган. 1-гурӯҳдаги беморлар ўта оғир аҳволда қабул қилинмаган.



\* - 1-гурӯҳ билан солиштирганда кўрсаткичлар орасидаги натижаларнинг ишончлилиги  $p < 0,05$ .

### 1-расм. Даволаниш охирида COVID-19 билан касалланган беморларнинг ҳолати

Батафсил таҳлил беморларнинг 43,4 фоизида касалхонага кеч ётқизилганлиги ва нотўғри даволанилганлиги кўрсатди. 3-гурӯҳдаги беморларнинг кўпи (84,0%) оғир аҳволда ётқизилган. Касалхонада даволаниш давомида 2-гурӯҳда 3 (11,1%), 3-гурӯҳда 12 (14,6%), 4-гурӯҳда 12 (21,8%) ўлим ҳолати қайд этилган (1-расм). 1-гурӯҳда 22 (88,0%), 2-гурӯҳда 16 (59,3%), 3-гурӯҳда 44 (53,7%), 4-гурӯҳда 28 (50,9%) қониқарли ҳолатда касалхонадан чиқарилган.

Тадақиқот натижалари шунини кўрсатдики, 2 ёки ундан ортиқ коморбид ҳолатлар (ҚД, ЮИК, ИККС, анамнезда БМЎҚАБ, АГ) ўпка тўқималарининг сезиларли даражада катта зарарланишига ва  $SpO_2$  нинг пасайишига олиб келади.  $SpO_2$  даражаси, шунингдек, ўпка шикастланиши ҳажмидаги ишончсиз фарқга қарамай, 1-гурӯҳдаги беморларга нисбатан 1-коморбид фон (2-гурӯҳ) мавжудлигида сезиларли даражада камайди. Бундан ташқари,

касаллик оғирлиги коморбид ҳолатлари бўлмаган беморларда (1-гуруҳ) ўпка тўқималарининг шикастланиши ҳажми билан бевосита боғлиқ эди. Ўпка тўқимасининг шикастланиш ҳажми 1 ва 2 гуруҳларда даволаш динамикасида сезиларли даражада камайди, 3 ва 4 гуруҳларда ҳам ўртача кўрсаткичнинг пасайиши кузатилди, ammo сезиларли эмас (1-жадвал). 3 ва 4-гуруҳлардаги кузатилган фақат пасайиш тенденцияси 3-гуруҳдаги 17 беморда ва 4-гуруҳдаги 21 беморда пневмониянинг авж олиши билан боғлиқ эди.

1-жадвал

**Касалхонада даволанишнинг бошида ва охирида COVID-19 пневмонияси билан оғриган беморларда ўпка тўқималарининг шикастланиши ҳажмининг қиёсий тавсифи**

Гуруҳлар	Шикастланиш ҳажми (%)		Сатурация (SpO <sub>2</sub> )	
	олдин	кейин	олдин	кейин
1- гуруҳ (n=25)	28,04±4,34	12,00±3,03**	87,60±1,08	95,48±0,40**
2- гуруҳ (n=27)	38,22±4,05	25,33±4,30*	77,52±2,93	89,26±2,62**
3- гуруҳ (n=82)	43,51±2,28	39,09±2,91	78,91±1,31	85,09±2,01*
4- гуруҳ (n=55)	42,55±3,14	36,64±3,65	76,33±1,95	85,78±2,38**

Изоҳ: \*- гуруҳ ичида кўрсаткичлар орасидаги фарқ ишончилиги  $p < 0,05$ ; \*\*-  $p < 0,005$

1-гуруҳда касалхонага мурожат бошида ўпка шикастланиш ҳажми ўртасидаги энг кучли корреляция касалликнинг оғир кечиши билан ( $r=0,52$ ;  $p < 0,05$ ); гемодинамик кўрсаткичлар билан: САБ ( $r=0,60$ ;  $p < 0,05$ ), ДАБ ( $r=0,53$ ;  $p < 0,05$ ); Д-димер ( $r=0,56$ ;  $p < 0,05$ ); ИЛ6 ( $r=0,44$ ;  $p < 0,05$ ) ва АЛТ ( $r=0,46$ ;  $p < 0,05$ ) қайд этилган. Шунингдек, SpO<sub>2</sub> ( $r= -0,76$ ;  $p < 0,05$ ); Sars-CoV-2 IgG ( $r= -0,50$ ;  $p < 0,05$ ) ва Нв даражаси ( $r= -0,48$ ;  $p < 0,05$ ) билан кучли тесқари боғлиқлик мавжуд эди.

Иккинчи гуруҳда, даволаниш бошида ўпка шикастланишининг ҳажми клиник ва гемодинамик кўрсаткичлари билан сезиларли даражада кучли корреляция қилди: НОС ( $r=0,58$ ;  $p < 0,05$ ) ва ДАБ ( $r=0,63$ ;  $p < 0,05$ ); лаборатория кўрсаткичлари билан: тромбоцитлар ( $r=0,58$ ;  $p < 0,05$ ), нейтрофиллар ( $r=0,60$ ;  $p < 0,05$ ) ва лейкоцитлар ( $r=0,48$ ;  $p < 0,05$ ) ва Sars-CoV-2 IgM даражаси билан кучли боғлиқлик қайд этилди ( $r=0,75$ ;  $p < 0,05$ ).


3 ва 4-гуруҳларнинг кўрсаткичларини таҳлил қилиш ўпканинг шикастланиши ва касалликнинг оғирлиги ўртасида кучли боғлиқликни кўрсатди (мос равишда  $r=0,35$  ва  $0,34$ ;  $p < 0,05$ ). 4-гуруҳдаги беморларда сезиларли даражада тўғридан-тўғри корреляция ва САБ ва ДАБ нинг юқори даражасини таъкидлаш керак. 3-гуруҳдаги лаборатор кўрсаткичларидан Д димер ( $r=0,40$ ;  $p < 0,05$ ); ИЛ6 ( $r=0,06$ ;  $p < 0,05$ ); АСТ ( $r=0,23$ ;  $p < 0,05$ ); СРО ( $r=0,29$ ;  $p < 0,05$ ) ва ЛДГ ( $r=0,72$ ;  $p < 0,05$ ) билан ўпка шикастланиш ҳажми билан тўғридан-тўғри корреляция қайд этилди.

Ўпка шикастланиш ҳажми ва семизлик ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш 3 ва 4-гуруҳлардаги беморларда сезиларли боғлиқликни аниқлади (мос равишда  $r=0,38$  ва  $r=0,30$ ;  $p < 0,05$ ). Шунини таъкидлаш керакки, семизлик билан оғриган беморларда SpO<sub>2</sub> нинг максимал даражаси ўпканинг шикастланиш ҳажмидан қатъи назар, 88% ни ташкил этди. Вазиятнинг оғирлиги ва динамикада ўпка шикастланишининг ортиши, коморбид ҳолатлар фониди беморларда семизлик билан бевосита боғлиқ эди ( $p < 0,05$ ).

Углевод алмашинувини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, текширилган гуруҳларда қондаги глюкоза миқдорини 1-гуруҳ кўрсаткичи билан солиштирганда, унинг ўртача даражаси 4-гуруҳда 38% га ( $p < 0,05$ ), 3-гуруҳда 21% га ошди ( $p < 0,05$ ).

Бундан ташқари, 4-гуруҳдаги беморларда қондаги глюкоза даражаси ҳам 2 ва 3-гуруҳларга қараганда анча юқори эди. 1-гуруҳ билан солиштирганда 2 ( $p > 0,05$ ) ва 4 ( $p < 0,05$ ) гуруҳларида  $HbA_{1c}$  даражасининг ортиши қайд этилди. Шунингдек, фарқ 3 ва 4-гуруҳ кўрсаткичлари ўртасида сезиларли бўлиб, мос равишда  $5,60 \pm 0,24\%$  ва  $6,60 \pm 0,38\%$  ( $p < 0,05$ ) ни ташкил этди, бу фарқ 4-гуруҳ беморларида ҚД нинг кўп учраши билан боғлиқлиги аниқ.

Даволашнинг бошида инсулин даражаси ва НОМА индекси гуруҳлар орасида сезиларли даражада фарқ қилмади, гарчи инсулин 3 ва 4-гуруҳларда пасайиш тенденциясига эга эди (2-расм). Барча гуруҳларда инсулин қаршичилиги кўрсаткичи сифатида НОМА индекси  $> 2,77$  га ошди, батафсил таҳлил шуни кўрсатадики, индекснинг ошиши базал инсулин ишлаб чиқаришнинг пасайиши фонида қонда глюкозанинг кўпайиши билан боғлиқ.



Изох: \* - 1-гуруҳнинг ва бошқа гуруҳлардаги кўрсаткичларининг фарқ ишончилиги  $p < 0,05$

## 2-расм. Гуруҳлардаги инсулин, глюкоза ва НОМА индексининг кўрсаткичлари

Даволашнинг охирига келиб (якуний натижадан қатъий назар) фақат 4-гуруҳдаги глюкоза даражасида 1-гуруҳга нисбатан ( $10,55 \pm 0,71$  vs  $7,00 \pm 0,65$ ), 2-гуруҳга нисбатан ( $10,55 \pm 0,71$  vs  $7,68 \pm 0,86$ ) ва 3 гуруҳ ( $10,55 \pm 0,71$  vs  $8,34 \pm 0,48$ ) сезиларли фарқ аниқланди.  $7,68 \pm 0,86$ ) умумий кўрсаткичлар билан қиёсий таҳлил ўтказилди. 4-гуруҳдаги глюкоза даражасига қўшимча равишда, 3-гуруҳларда ҳам сезиларли даражада паст инсулин даражаси аниқланди. COVID-19 пневмониясида углевод алмашинувидаги аниқланган бузилишлар нафақат стрессли гипергликемия, балки ошқозон ости беши  $\beta$  - хужайраларига тўғридан-тўғри токсик таъсир билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин, бу углевод алмашинуви ва яллиғланиш белгилари ўртасидаги корреляция таҳлили билан ҳам тасдиқланди. Беморларнинг 3-гуруҳида ИРИ даражаси Д димер ва ИЛ6 даражаси билан кучли салбий боғлиқлик кузатилди, ферритин, прокальцитонин ва СРО билан боғлиқлик заиф даражада салбий эди ( $p > 0,05$ ). 4-гуруҳда ферритин билан глюкоза даражалари ва прокальцитонин билан кучли салбий боғлиқлик аниқланди,

шу беморларда СРО билан ИРИ кўрсаткичларида сезиларли даражада салбий корреляцион боғлиқлик кузатилди.

ЭКГ маълумотларига кўра, беморларнинг 80% да турли хил юрак ритми ва ўтказувчанлиги бузилишлари аниқланди. Юрак систоласи ва реполяризацияси кўрсаткичларининг батафсил таҳлили ўтказилди (2-жадвал).

2-жадвал

**Ўрганилаётган гуруҳларда қоринчалар систоласи ва реполяризация параметрлари**

Кўрсаткичлар		1-гуруҳ (n=25)	2-гуруҳ (n=27)	3-гуруҳ (n=82)	4-гуруҳ (n=55)
Q-Tc	олдин	0,36±0,01	0,36±0,01	0,37±0,01	0,37±0,01
	динамикада	0,37±0,02	0,37±0,01	0,38±0,00	0,39±0,00*#
Q-Td	олдин	0,08±0,01	0,06±0,01	0,07±0,01	0,08±0,01
	динамикада	0,06±0,01	0,07±0,01	0,09±0,01^	0,09±0,01
Tr-Te	олдин	0,19±0,01	0,18±0,00	0,19±0,00	0,20±0,00
	динамикада	0,18±0,00	0,18±0,01	0,19±0,01^	0,20±0,01^*

фарқ ишончилиги: 1-гуруҳ билан солиштирганда ^p<0,05; \*2-гуруҳга нисбатан p<0,05; 3-гуруҳга нисбатан #p<0,05

Маълумотлар таҳлили шуни кўрсатдики, Tr-Te оралиги 3 ва 4-гуруҳлардаги беморларда 1-гуруҳга нисбатан ишончли даражада узайган эди. QTc параметрларини солиштирилганда гуруҳлар ўртасида ишончли фарқлар аниқланмади, фақат 4-гуруҳда 2 ва 3-гуруҳларга нисбатан сезиларли узайиш кузатилди, гарчи барча гуруҳларда унинг узайиши тенденцияси мавжуд эди.

Оғир ва ўта оғир беморларда QTc кўрсаткичи ўртача ва оғир аҳволдаги беморларнинг QTc қийматидан сезиларли ишончли фарқ қилди (3-жадвал). Шуни таъкидлаш керакки, даволаш фонида QTd, Tr-Te кўрсаткичлари узайиши тенденцияси мавжуд бўлган бошқа гуруҳлар кўрсаткичларига нисбатан фақат 1-гуруҳда қисқариш тенденциясига эга бўлди. Q-T дисперсиясини (QTd) беморларда касалликнинг оғирлиги билан кучли боғлиқлиги бор эди, ҳатто коморбид фон, хусусан, юрак-қон томир касалликлари бўлмаган тақдирда ҳам.

3-жадвал

**COVID-19 кечишининг оғирлигига қараб систола ва қоринчалар реполяризацияси параметрларининг ўзаро боғлиқлиги**

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ (n=25)	2-гуруҳ (n=27)	3-гуруҳ (n=82)	4-гуруҳ (n=55)
Q-Tc	-0,08	0,31	0,38*	0,34*
Q-Td	0,60*	0,19	0,54*	0,42*
Tr-Te	0,21	0,46*	0,34*	0,67*

фарқ ишончилиги: \* p<0,05

Tr-Te - кечки реполяризация кўрсаткичи, коморбид ҳолатлари бўлган барча гуруҳларда (2-4-гуруҳлар) COVID-19 кечишининг оғирлашиши билан бевосита боғлиқ эди (3-жадвал).

Эхокардиография ёрдамида юрак функциясини ўрганиш шуни кўрсатдики, дастлаб ЧҚ фракцияси (ОФ) фақат 4-гуруҳда 1-гуруҳга нисбатан сезиларли даражада пасайган, бу гуруҳдаги беморларнинг 34,6% да ИККС билан боғлиқ эди, аммо барча гуруҳлардаги ўртача ЧҚ ОФ сақланган эди. Дастлаб Юрак индекси (ЮИ) нинг қиёсий таҳлили текширилган беморлар

ўртасида сезиларли фарқларни аниқламади; коморбид фоннинг кучайиши билан ЮИ нинг ўсиши тенденцияси аниқланди, эҳтимол бу тўқималарнинг гипоксик шароитда адекват перфузиясини таъминлаш учун компенсацион механизмдир.

Пастки ковак вена (ПКВ) энг катта ўлчамлари беморларнинг 3-гуруҳида аниқланди, бу 1 ва 2-гуруҳлар билан солиштирганда фарқли ( $p < 0,05$ ), 2-4 гуруҳларда ПКВ ни нафас олишга жавоби 50% гача камайди, 1-гуруҳдан фарқли ўлароқ, бу ерда ўртача 52% дан ортиқ эди. Дастлаб, фақат 4-гуруҳда, 1-гуруҳга нисбатан сезиларли даражада фарқ қиладиган, ЎҚ ўрта ва узунламаси ўлчамлари, трикуспидал ҳалқасининг ҳаракат тезлигининг пасайиши (TAPSE) аниқланди. Худди шу тенденция TP, ЎАСБ ва ЎАЎБ тезлигини ўлчашда кузатилди (1-гуруҳ билан солиштирганда  $p < 0,05$ ). Бошқа барча беморларда 1-гуруҳ билан солиштирганда ЎҚ нинг узунламаси ўлчами ортиши кузатилди ( $p < 0,05$ ).

Олинган дастлабки маълумотлар коморбид фоннинг кучайиши билан ЎҚ ва ЎБ нинг дисфункциясини ва ўпка гипертензиясининг ривожланишини кўрсатади, эҳтимол уларни кучайтирувчи омилларидан бири чап коринчанинг мавжуд дисфункцияси бўлди.

1-гуруҳда динамик эхокардиографияда ЧҚ ОФ ( $p < 0,001$ ) ва ЮИ нинг ( $p < 0,001$ ) ўсишини аниқланди, ўнг бўлмачадаги босимнинг пасайиши кўрсаткичи сифатида - ПКВ нинг нафас олишга жавобининг кучайиши кузатилди ( $p < 0,001$ ).

Ушбу беморларда ижобий динамика ЧҚ систолик функциясини яхшиланиши фонида кузатилди. ЮИ ни ошиши ва ПКВ нинг нафас олишга жавобини ортишини кўрсатди, бу эса коморбид фонга эга бўлмаган беморларни ЎБ да босимнинг пасайишини кўрсатади.

2-гуруҳдаги беморларда даволаш пайтида такрорий эхокардиография ЧҚ ОФ барқарорлигини ва ЮИ нинг пасайиш тенденциясини кўрсатди ( $p > 0,5$ ), лекин ЮИ нинг ортиши ва такрорий текширув пайтида ПКВ нинг нафас олишга жавобининг кучайиши, касаллик оғирлашиши билан манфий боғлиқ эди ( $p < 0,001$ ).

Ушбу беморларда динамикадаги ҳолатни таҳлил қилиш, барқарор ЧҚ систолик функцияси фонида ҳолатнинг яхшиланишини кўрсатди. ЮИ ва ПКВ реакцияси пасайиш тенденциясига эга эди ( $p > 0,5$ ), бу ЧҚ нинг систолик функциясини пасайиши билан боғлиқ бўлиб, айнан коморбид ҳолатлар фонида ЮИ ни пасайишига олиб келди. Батафсил таҳлил шуни кўрсатдики, ушбу гуруҳдаги беморларда ҚД, ЮИК ёки АГ мавжудлигидан қатъи назар, семизликнинг мавжудлиги касалликни оғирлигини кучайтирувчи омил бўлиб, ЮИ нинг пасайишига ва ЎБ да босим ўсишига сабаб бўлади.

3-гуруҳдаги беморларни даволаш фонида ЧҚ ОФда ишончсиз пасайиш ( $p > 0,3$ ), ЮИ нинг сезиларли пасайиши ( $p < 0,05$ ), ПКВ нинг кенгайиши ( $p < 0,05$ ) кузатилди. ОФ, ЮИ ва ПКВ ни нафас олишга жавобнинг пасайиши, касалликнинг ривожланиши фонида кузатилди ( $p < 0,05$ ). Динамикада ЮИ ва ҳолатнинг оғирлашиши ўртасида энг кучли боғлиқлик қайд этилди. 4-гуруҳда ЧҚ ОФ фақат пасайиш тенденциясига эга бўлди ( $p > 0,4$ ). Ушбу беморларда ЮИ ва ПКВ ни нафас олишга жавобининг сезиларли даражада

пасайиши кузатилди ва касалликнинг оғирлиги билан кучли боғлиқ эди ( $p < 0,001$ ). ПКВ нинг кенгайиши қайд этилди, бу ҳам умумий ҳолат билан бевосита кучли алоқада эди.

Ўтказилган тадқиқот негизида юрак дисфункциясининг патогенези механизмларини ўрганиш асосида маълум бир коморбид ҳолатлари бўлган беморларни терапевтик реабилитация ўтказиш алгоритми таклиф қилинди.

Даволаш даврида 131 (69,3%) беморда асоратлар аниқланган (4-жадвал).


4-жадвал

#### Гуруҳлардаги ривожланган асоратларнинг тузилиши

Асоратлар	Барча (n=189)	1-гуруҳ (n=25)	2-гуруҳ (n=27)	3-гуруҳ (n=82)	4-гуруҳ (n=55)
Ўпка шиши	19 (10,1%)	1 (4,0%)	-	7 (8,5%)	11 (20,0%)
Полиорган етишмовчилик	17 (8,9%)	-	2 (7,4%)	11 (13,4%)	4 (7,3%)
ЎМИ	9 (4,8%)	-	1 (3,7%)	4 (4,9%)	4 (7,3%)
БМЎҚАБ	4 (2,1%)	-	-	2 (2,4%)	2 (3,6%)
Септик шок	2 (1,1%)	-	1 (3,7%)	1 (1,2%)	-
ЎРДС	56 (29,7%)	1 (4,0%)	6 (24,0%)	32 (39,0%)	17 (30,9%)
ЎАТЭ	7 (3,7%)	-	1 (3,7%)	1 (1,2%)	5 (9,0%)
Тромбоз	9 (4,8%)	-	-	2 (2,4%)	7 (12,7%)
БФ	9 (4,8%)	-	1 (3,7%)	7 (8,5%)	1 (1,8%)
Умумий	131 (69,3%)	2 (8,0%)	12 (44,4%)	67 (81,7%)	50 (90,9%)

Ривожланган асоратлардан ЎРДС устунлик қилиб - 56 та (29,7%) беморда кузатилди, бу асорат кўпроқ 3 ва 4-гуруҳларда қайд этилди (мос равишда 39,0% ва 30,9%). ЎАТЭ ва оёқ томирларининг ва каверноз синус тромбози 16 беморда, кўпроқ 4-гуруҳда кузатилган. ЎМИ 9 та (4,8%), асосан 3,4 гуруҳда. БМЎҚАБ - 4 та (2,1%), 17 та (8,9%) беморда полиорган етишмовчилиги ва 19 та (10,1%) беморда ўпка шиши COVID-19 кечишини оғирлаштирди. Ушбу беморларнинг ўртача ёши  $67,2 \pm 5,4$  ёшни ташкил этди.

Бўлмачалар фибрилляцияси (БФ) 9 беморда прогностик жиҳатдан ноҳуш аритмия тури эди. Барча беморлар оғир аҳволда ётқизилган. Ўртача ёши  $67,6 \pm 4,3$  ёшни ташкил этди. Касалхонада даволанишнинг ўртача давомийлиги  $15,6 \pm 4,49$  кун бўлди. Касалхонага ётқизилишидан олдин 5 нафар бемор мунтазам равишда аспирин, 2 нафари  $\beta$  адреноблокаторлар, 1 нафари статинлар қабул қилган. 1-гуруҳда БФ ҳолатлари қайд этилмади. ИККС билан 2-гуруҳдан 1 бемор, БФ нинг доимий шакли фонида такрорий МИ ривожланиши, дори-дармонларни тартибсиз қўллаш даволанишнинг ноҳуш натижасини билан боғлиқлигини кўрсатди (3-расм).



3-расм. БФ билан касалланган беморларни даволаш натижалари (%)

Барча текширилганлар гуруҳларда ўлим даражаси 14,3% (27 бемор) ни ташкил этди. Ўлим билан якунланган беморларнинг ёши касалхонадан чиқарилган беморларга қараганда анча юқори эди (5-жадвал).

5-жадвал.

### Яқуний нуқталарга қараб беморларнинг маълумотлари

Кўрсаткичлар	Касалхонадан чиққан (n=162)	Ўлим (n=27)	$\chi^2$	p
Ўртача ёши, йил	51,2±4,1	63,6±2,6*		
Эркалар, n (%)	78	13		
Аёллар, n (%)	84	14		
Семизлик, n	65	19	8,58*	0,003
Гипергликемик ҳолат, n	31	5	0,006	0,940
БФ, n	5	4	7,084*	0,008
<b>Коморбидлик, n (%)</b>				
ЮИК	111	22	1,865	0,172
ИККС	26	5	0,103	0,748
АГ	117	25	5,140*	0,023
Анамнезда БМЎҚАБ	14	2	0,046	0,831
ҚД	50	11	1,033	0,310

Изоҳ: \* -  $\chi^2$  квадратнинг ишончли фарқи. \* p<0,05

Нохуш натижанинг гендер жиҳатидан фарқлар йўқ эди. Семизлик ва нохуш натижа ўртасида кучли ижобий муносабатлар аниқланди. Кўриб чиқилган барча коморбид касалликлар ўлим хавфи билан тўғридан-тўғри боғлиқликга эга эди, АГ ишончли эди (p<0,05). Ритм бузилишларидан БФ ўлимга сезиларли таъсир кўрсатди.

Беморларни ўпка сунъий вентиляциясига (ЎСВ) ўтказиш (p<0,001), ўткир юрак етишмовчилиги (p<0,001), полиорган етишмовчилигининг ривожланиши (p<0,001), тизимли яллиғланиш синдроми (p<0,001), беморларни РИТБ га ётқизиши (p<0,005) ёки уларнинг ихтисослаштирилган бўлимдан РИТБ га ўтказиш (p<0,005) касалхона босқичида ўлим хавфини сезиларли даражада оширди (6-жадвал).

6-жадвал

### Касалхона босқичида ўлим хавфи

Мезон	ИН	p	ИО 95%	
			Пастки чегара	Тепа чегара
ЎСВ	9,7	<0,001	2,09	32,7
Ўткир юрак етишмовчилиги	85,6	<0,001	11,3	356,9
